O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа боплаган	2001 йил 20 - 26 март	№ 12 (216)	Сотувда эркин нархда

Қайси тотли - сумалакми ёки гулгун қизларжон

Кўклам ҳавоси

МИНГЙИЛЛИКНИНГ ИЛК НАВРЎЗИ

Фасллар айланиб-айланиб келаверади. Бир ажиб фалсафа бор уларнинг ҳам ташрифида, ҳам видосида. Бошидан шамолдек айланиб ўтаётган фасллар боқиб инсон абадиятни бор-бўйи билан ҳис этади, умр деганлари нечоғлик ўткинчи эканлигига иймон келтиради. Ғанимат дамларнинг қадрига етмоқ, вақтнинг ҳар дақиқасини кўзларга суртмоқ иштиёқи жўш уради қалбларда. Ҳаёт отлиғ неъмат янада теран, янада улуғвор тус олади. Унга фақат энг эзгу аъмоллари билан эш бўлиши мумкин одамзот.

Фасллар айланиб-айланиб келаверади. Уларнинг барчаси ҳам бирдек жозибали, бирдек мафтункор. Шундай деймизу, аммо барибир кўнглимизнинг аллақайси четида бр эътироз, бир эътироф йилт этади: О, кўклам ҳавоси!..

Мана кўм-кўк этакларини ҳилпиратиб, димоқларни қитиқловчи ифорларини таратиб ўлкамизга баҳор яна ташриф буюрди. Табиат бунча моҳир бўлмаса! Гўё бир лаҳзада олам яшарди. Чўлу биёбон, қиру ўнирларда тириклик барқ урди.

Кўклам ҳавоси нафақат ёш-ялангларни, балки момо-ю ҳолаларни ҳам шошириб кўяди:

- Ҳай эгачи, нимани кутиб турибсиз? Қаранг, набирангизнинг овози дўриллаб, бугун-эртага қуёв бўламан, деб қолибди. Би-нир қишлоқни айланиб, келин қидирмаймизми?..

Кампирлар бошлашиб қишлоқ кезадилар, пана-пастқам деворлардан ҳовлилар ичкарисига бўйлайдилар. Бундан бехабар бўй-басти навниҳолдек, сочи тақимини ўпган қизлар эгилиб-эгилиб ҳовли супурадилар...

Асли кўклам ташрифини ҳаммадан аввал тойчоқ бўлиб чопиб юрган болакайлар сезишган. Баланд тоғнинг қунгай тарафидаги замин қаърини ёриб чиққан бойчечакни топган болалар кўчама-кўча чопиб, аллақачон "суюнчи" олишни бошлаб юборишган:

Бойчечагим бойланди,
Қозон-товоқ мойланди...

Табаррук кексалар баҳор элчисини авайлабгина кўзларига суртадилар, шу кунларга етказганига шукроналар қилиб, Яратганга ҳамду саноолар айтадилар. Ахир, талотум замондаги хавотир, тушкунлик уларни толиқтириб қўйганлиги рост. Ўзбекнинг сабр-матонати, феъли кенглиги синалди, тобланди ўша йиллари. Ниҳоят, бир муборак тонг халқимизга истиқлолни етказди. Наврўзимиз қайтди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари қайтди. Юксак маънавият, тоза иймон, ҳалол ният билан озодликка юз тутдик. Мустақиллик ўзлигимизни таниш имконини берди. Демакки, халқимиз, мамлакатимиз ҳам қиш-қировдан офтоб нурлари жилва қилган баҳорий кунларга чиқди.

Миллий мустақилликни қўлга киритганимизга ҳам мана ўн йил тўлай деб қолди. Бу муддат югурик вақт олдида бир лаҳзалик дам, холос. Аммо Ватанимиз, миллатимиз эришган оламшумул ютуқлар билан ўлчасак, бу — жуда салмоқли муддат. Иқтисодиёт, сиёсат, маънавият соҳаларида қўйилган дадил қадамларимиз неча-неча ўн йилликларга татийди. Булар бари кўз кўриб, қулоқ эшитиб турган чин ҳақиқатдир.

Бироз мавзудан чалғидик, чамаси. Бу ҳам серғулу кўклам шамолининг таъсири бўлса не ажаб? Не тонгки, бу йил ҳам баҳорнинг қадами қутлуғ бўлди. У билан қатор байрамлар бошлашиб келди.

Халқимизнинг миллий қадриятларидан бири бўлмиш йилбоши — Наврўз айёми ҳам уйғониш фаслидаги энг гўзал байрам сифатида етти иқлимга машҳур. Мустақиллик шарофати боис Наврўзнинг байрам қилиниши кейинги йилларда оммавий тус олди. Маросимларнинг ҳукумат миқёсида нишонланаётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Шу куни шаҳарлар кўча ва хиёбонлар сайлга ошиққан, юз-кўзида бахтиёрлик балқиб турган кекса-ю ёш билан гавжум бўлади. Шу куни қишлоқларимиз аҳли кўм-кўк қирадирларга чиқиб кетадилар. Катта-кичик даврларда қаҳқаҳа-ю алёрлар янграйди. Баҳорнинг тансиқ неъмати — сумалак қайнаётган дошқозонлар атрофида момолар қуйманадилар, қиз-жувонларга кафгирни чаққон-чаққон айлантириш лозимлигини уқтирадилар. Яна айтадиларки, сумалак — кўпчиликнинг таоми. Кўпчиликнинг ризқи қўшилган таомнинг хосияти мўл бўлади. Ундан тановвул қилганларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати ошади...

Дарвоқе, бу йилги Наврўз учинчи минг йилликда илк бора ташриф буюрмоқда. Янги асрнинг биринчи йили эса биз учун ўзгача қадру қимматга эга. Ватанимизда озодлик қуёши порлаганига бу йил ўн йил тўлади. Ҳурриятнинг ўнинчи баҳори барчамизга қутлуғ бўлсин!

Сирожиддин РАУФ,
Рўзибой САИДОВ

ЎЗБЕККА БАЙРАМ ЯРАШАР

Ўзбекнинг байрами мўл. Бироқ фасллар келинчаги кўклам билан бирга ташриф буюрадиган Наврўз байрами ўзига хос, энг гўзал байрам десак муболаға бўлмас. Наврўз айёми азалдан ўлкамизда қут-барака, мўл-кўлчилик байрами сифатида тантана қилинган. Чунки у оналар алласи-ю, момолар ўгитидан, боболар насиҳатидан қон-қонимизга сингиб кетган.

Афсуски, Шўро истибдоди ўзбекнинг ўзлиги ифодаси бўлмиш Наврўзни ҳам исканжага олди. Қатағон қилди. Бидъат дея жар солди. Бобом шундай ҳикоя қилади:

- Бир куни Наврўз рўзага тўғри келган маҳаллар эди. Пахтада сувчилик қилардим. Тушликдан сўнг ҳаммани шийпонга тўплашди. Ўртада раис билан бошига каттакон қалпоқ қўндирган бир киши. Кейин билсак, раҳбарлардан экан. Ҳаммадан бирма-бир "Рўзамисан", деб сўраб чиқди. Кейин раиснинг қўлига бир коса сув тутқазиб, "Ҳаммасига ичириб чиқ", деб буюрди. Раис, кўп тавфиқли одам эди, худо раҳмат қилгур, дир-дир қалтирайди. Охири чидолмади. "Эй, катта ака, бўшатинг шу ишингиздан" дедида, чиқиб кетди. Каттакон ҳай-ҳайлаганича қолди. Шундан сўнг у бечорани хўб олиб бориб-олиб келишди. Ишдан ҳайдашди. Буниси ҳам майли. Шу куни кечқурун аёллар бир ҳовлида сумалак қилишаётган экан. Шаҳарга қайтаётган ўша каттакон шовқинни эшитиб, ҳовли ёнида тўхтади. Ичкарига кириб қарасаки, катта дошқозонда сумалак қайнаб ётибди. Атрофида қиз-жувон, бола-бақра. Буни кўрган каттакон нималардир деб сўкиниб, (аёллар фақат "чёрт" деган сўзни эслаб қолишибди) шопирига айттириб, бир қозон сумалакни тўкдириб ташлабди, буғдой кўр қилгур. Хўп замонлар бўлган экан-да. Ҳозир бировга айтсанг ишонмайди, эртак деб ўйлайди.

Шукрки, истиқлол бизга миллий қадрият, урф-одатларимиз билан бирга миллий байрамимизни ҳам қайтариб берди. Бир пайтлар таъқиқланган Наврўз байрами бугунги кунда оммавий тарзда тантана қилинмоқда. Шу куни эрта тонгданоқ келинчаклар эшик-ҳовлиларини ораста қилиб супуриб, сув сепишади. Барча хонадонларда азиз меҳмонлар учун дастурхонлар тузалади. Шаҳар ва хиёбонларда эса байрам авжида. Тантанага чиққан кекса-ю ёшнинг юзида шодлик барқ уради. Шу топда уларнинг қалби бахтиёрлик, шукроналик ҳислари билан лиммо-лим эканини туйиш мумкин. Дошқозонларда эса сумалаклар қайнайди, қиз-жувонларнинг бари қозон бошида. Болакайларнинг севинчи чексиз. Бугун улар сумалагу ҳалимга роса тўйдиган кун. Одатга кўра, сумалак пишгандан сўнг қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тортиқ этилади. Баҳонада шу куни уришганлар ярашади, ўртадаги гина-кудуратлар унут бўлади. Момолар эса дуога қўл очади: "Илоё, ҳар кунинг байрам бўлсин, болам. Шу кунларга етказганингга шукр, Оллоҳим".

Ҳа, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ниятимиз халқимизнинг эзгу ниятлари билан йўғрилган байрамлари кўпаяверсин. Илоҳо, юртимиздан тинчлик аримасин. Оналарнинг кўзи нам бўлмасин, оталарнинг боши хам бўлмасин. Гўдакларнинг кулгуси оламни тутсин. Байрам руҳи мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонда ҳукмрон бўлсин.

Арофат ОРТИҚОВА

Адлия вазирлигида

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қурилиш ва транспорт комплекслари таркибига кирувчи корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида шартномавийлик муносабатлари юзасидан навбатдаги бир кунлик семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Бўритош Мустафоев бошқарди.

"Қурилиш", "Ўзавтойўл", "Ўзтрансқурилиш" уюшмалари, Вазирлар Маҳкамаси қурилиш комплекси, вилоят ҳокимликлари қурилиш комплекси, банк ва молия соҳаси мутахассислари, "Ўзбекинвест", Олий хўжалик суди, прокуратура ходимлари Г.Литвак, Н.Хўжаев, К.Ҳасанов, О.Алихўжаев, А.Шермуҳаммедов, С.Ниёзов ва бошқалар ўз маърузаларида бугунги кунда режали тизимдан воз кечиб, эркин шартномавий муносабатлар билан муоамала қилиш шароити вужудга келганлигини, шартномалар тузиш, улар ижросини ўз вақтида таъминлаш иқтисодий ислоҳотларимиз ривожланишининг кафолатига айланганлигини таъкидладилар.

Семинар-йиғилишда эътироф этилишича, қурилиш ташкилотларидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдорининг ошиб бориши сабабларидан бири буюртмачилар томонидан бажарилган ишлар учун тўлиқ ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, пудратчилар томонидан буюртманинг белгиланган муддатларда ижро этилмаслигидадир. Айрим ҳолларда эса пудратчилар томонидан тегишли шартномаларни тўлиқ қонуний тузмасдан, буюртмачиларнинг тўлов қобилиятини ўрганмасдан ишларни бажаришлари бундай ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Шартномалар тузилиши ва бажарилишига бўлган эътиборсизлик эса томонлар ўртасида келишмовчилик ва низолар пайдо қилмоқда. 2000 йил давомида хўжалик судлари томонидан қурилиш пудрат шартномалари юзасидан 823 млн. сўмлик 236 та даъво аризалари кўриб чиқилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қурилиш ишларини бажариш бўйича пудрат шартномаларини тузишда Фуқаролик Кодексининг 364-моддаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий — ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддаси талаблари қўпол равишда бузилганлиги ачинарли ҳолдир.

Семинар-йиғилишда Адлия идоралари ходимлари томонидан 2000 йил давомида ўтказилган текширишлар натижасида 6333 та шартномалар ноқонуний ёки нотўғри тузилганлиги аниқланиб, уларнинг кўп қисми қайта туздирилганлиги айтилди. Амалга оширилган ишларга қарамасдан, қонун бузилиши, нотўғри шартномалар тузилиши давом этаётган экан, мутахассислар, мутасаддилар, юристлар ғоят талабчанлик билан иш юритадиган давр юзага келганлиги эътироф этилди.

Салима ҚИЛИЧЕВА

Наврўзолди тадбири

"ОНА ВА БОЛА БОҒИ"

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш котибияти ва вилоят Хотин-қизлар қўмитаси "Оналар ва болалар йили"да "Она ва бола" боғини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Куни кеча "Шўртангазкимёмажмуаси" ҳудудида ушбу боғнинг илк кўчатлари ўтказилди. Ўн гектар майдонни ташкил этувчи ушбу боғда шу куни 2000 тупдан зиёд кўчатлар қадалди.

Дарвоқе, "Шўртангазкимёмажмуаси" ҳудудини кўкламзорлаштириш бугунги кунда бошланган иш эмас. Шу кунга қадар бу ерда 322 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахтлар, 3000 гектар майдонга саксовулзор барпо этилди. "Оналар ва болалар йили"да боғлар майдони 1000 гектарга етказилади. Шубҳасиз, мазкур боғ республикамизда эълон қилинган кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигига муносиб ҳиссадир.

О.ХУДОЙБЕРДИЕВ

ОСТОНАНГДАН КЕТМАСИН БАҲОР...

Ишон одам, баҳорга ишон,
қара, гўдак каби беғубор—
мингинчи бор оловдай порлоқ
гулларини кўрсатар баҳор.

Баҳор сенга ишонар, қара,
сузиб чиқди кўзига юрак—
қараб турар сенга интизор,
сен баҳорни севишинг керак.

Кўзига боқ, ҳайдама уни—
мингинчи бор қилмагин хато.
Остонангдан кетмайди баҳор,
сен аслингга қайтмагунча то.

Шарқиратар асов сойларин,
нафасидан ранглар уфурар,
ўйнайверар яшил қушларин,
гулларини ёндираверар...

Шавкат РАҲМОН

Во-ажаб!

ҚОНУН ВА МАСЪУЛИЯТ

Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулиятидир.

Ислом КАРИМОВ

2000 йилнинг 12 декабрида таҳририятимизга гулистонлик тадбиркорлар Розия Қаршибоева ва Ином Раимов имзоси билан шикоят хат келди. Миш-мишни ҳақиқат эканлигини исбот қилувчи ҳужжатлар илова қилинган эди.

Таҳририят топшириғи билан Сирдарё вилоятида, тўғрироғи, вилоят адлия бошқармасида бўлиб, бошлиқ Т.Дадабоев билан учрашдим. У киши билан бўлган суҳбатимиз мавзуси ҳам айнан хати муаллифларини ташвишга солаётган муаммолар хусусида бўлди.

- Тадбиркорлар Р.Қаршибоева ҳамда И.Раимов томонидан ўз мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги аризалари вилоят адлия бошқармасига келиб тушгандан сўнг масала атрофлича ўрганилди. Мазкур ҳолатлар бўйича шаҳар, вилоят судлари ҳамда вилоят хўжалик судига уларнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризалари киритилди. Судларда даъвогарларнинг аризалари атрофлича ўрганиб чиқилди ва уларнинг талаблари қаноатлантирилиб, шаҳар ҳокимининг қарори ноқонуний деб топилди. Жавобгардан Р.Қаршибоева фойдасига 1251897 сўм моддий ва 200000 сўм маънавий, И.Раимов фойдасига 11834087 сўм моддий зарар ундиришлик ҳақида қарор чиқарилди.

Қарор-ку чиқди, аммо ижрочи? Афсуски, тадбиркорларнинг аризалари ўз вақтида кўрилиб, ҳал этилмаганлиги етмагандек, уларнинг фойдасига чиқарилган бажарилиши лозим бўлган ижро ҳанузгача пайсалга солинаётир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Конституция ва қонунлар устунлиги сўзсиз тан олиниши, давлат, унинг органлари мансабдор шахслар, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари белгилаб қўйилган. Аммо Гулистон шаҳар ҳокимлигидаги баъзи ўртоқлар буни билишмайди чоғи. Акс ҳолда фуқаролар Р.Қаршибоева ва И.Раимовнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини сунъий равишда чеклаб қўймаган, мол-мулкларини асоссиз эгаллаб олиб, ундан фойдаланмаган бўларди.

Хўш, ариза муаллифларини ташвишга солаётган, аммо ҳанузгача ўз ечимини топмаётган муаммо нима ўзи?

- 1995 йил Навоий шоҳ кўчаси, 9-таъмирталаб уйни сотиб олганимдан сўнг ҳовлининг кўча қисмидан дўкон ва музқаймоқ павильони очиш учун шаҳар ҳокимининг 741-сонли қарори чиқди. Ўша пайтда етарли маблағим бўлмаганлиги боис, фақат пойдевор қуриш билан чекландим. 2000 йил эрта баҳордан уйни таъмирлаш ва дўкон ҳамда павильонни қуришга киришганимда, осмондан тушдими, ердан чиқдими билмадиму, қандайдир "илоҳий куч" таъсирида уй-жой пойдевори ўрни бир кечада теп-текис майдонга айланиб қолди, -дейди Р. Қаршибоева. - Бузилган уй-жойимнинг пулини тўлашларини сўраб, шаҳар, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотларга бўзчининг мокисидек қатнадим. Аммо...

Навоий шоҳ кўчаси ва Ал-Хоразмий кўчалари оралиғидаги Р.Қаршибоева ва ён қўшниларига тегишли турар-жой бинолари-нинг бузиб ташланганлиги бор гап. "Турар-жой иморати қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида"ги 938-сонли қарор бунинг исботидир. Қарор 5 банддан иборат бўлиб, иккинчи ва учинчи бандларида: ***"Уй-жойларни рўйхатдан ўтказиш бўлими (А.Мирзаалиева)га, вилоят кадастр бошқармаси (А.Махаров)га бузилиш зонасига тушган тарар-жой бинолари ва ижтимоий бинолар қиймат нархини аниқлаш ва вилоят мукаммал қурилиш бошқармасига турар-жой иморатлари бузилган ташкилотлар билан ўзаро ҳисобкитоб қилиш ҳамда турар-жой билан таъминлаш"*** топширилган.

Р.Қаршибоеванинг кадастр бошқармасидан ҳам, мукаммал қурилиш бошқармасидан ҳам жавоби бир хил: ***"Сизнинг уй-жойингиз бузилиш планига киритилмаган".*** Мазкур бошқармалар вакилларининг судда берган кўргазмалари ҳам бу жавобни тасдиқлайди.

- Эътибор беринг, дея менга шаҳар ҳокимининг бошқа бир қарорини кўрсатди вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи Зокир Атабоев. Айнан ўша 938 сонли қарор. Йили ҳам, куни ҳам шу. Қизиқ, бир вақтнинг ўзида бир хил иккинчи қарорни чиқариш нимага керак бўлди экан?..

Шаҳар ҳокимининг бир хил, яъни 938-сонли иккинчи қарорнинг қонуний ё ноқонуний эканлигига баҳо бериш бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бу ҳуқуқ- тартибот идораларининг, қолаверса, суднинг иши.

Аммо уй-жойи бузилиш планига кирмаган Р.Қаршибоеванинг даъвоси нечоғлик тўғри эканлигини кўрсатиб берган суд қарорини шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳанузгача бажарилмай, пайсалга солиб келинаётганлиги бизни ажаблантиради, холос.

Иккинчи хат муаллифи - "Лазиз" хусусий кичик корхонасининг раҳбари Ином Раимов ҳам шаҳар ҳокимлигидан жабр кўрган тадбиркорлардан бири. Унинг "Грил - бар"и бор эди. Тадбиркор 1998 йилнинг 15 май куни ўз корхонасига келиб, адашяпманми, деб ажабланиб қолди. Ё, қудратингдан! Худди эртаклардагидек, "Грил-бар"и ўз ўрнида йўқ эди. Суриштирса, шаҳар ҳокимининг буйруғи билан бино бузиб ташланибди. Фойдаланиш мумкин бўлган 5 миллион сўмликдан зиёд қурилиш анжомлари эса ташиб кетилибди.

- Шаҳар ҳокимиятига югурдим, - дейди мулк эгаси И.Раимов. - Шаҳар ҳокими Қ.Акбаров ва бошқа идора раҳбарларига саккиз марта хат ёздим. Шаҳар ҳокимияти раҳбарлари пинагини ҳам бузишмади. Ноилож, ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилишни сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилдим. Улар ҳуқуқий манфаатимни ҳимоя қилиб, вилоят хўжалик суди, шаҳар ва вилоят судларига даъво ариза киритдилар.

Суд И.Раимовнинг манфаати бўйича тақдим қилинган даъво аризасини ўрганиб, тадбиркор талабини қаноатлантирди, шаҳар ҳокимининг қарорини ноқонуний деб топди. Шаҳар ҳокимлигига ва унинг тасарруфидаги "Мукаммал" қурилиш бўлимига 2000 йил 1 сентябрга қадар И.Раимовнинг "Грил-бар" биносини тиклаб бериш, аниқроғи, худди илгаригига ўхшаш бино қуриб, эгасига топшириш мажбурияти юклатилди. Бундан ташқари И.Раимовга етказилган маънавий зарар - 2 миллион сўм миқдорида белгиланиб, зарарни шаҳар ҳокимлиги томонидан ундириш ҳақида ҳам қарор чиқарилди...

Гулистон шаҳар ҳокимлиги Сирдарё вилоят хўжалик судининг чиқарган қароридан нарози бўлиб, республика Олий хўжалик судига кассация шикояти билан мурожаат қилди. Суд ушбу кассацияни кўриб чиқиб, Гулистон шаҳар ҳокимияти ва "Лазиз" хусусий кичик корхонаси ўртасида 2000 йил 29 июл куни тузилган Келишув битимига асосан, қурилиш ишларини шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан бошлашга (муддати 2000 йил 3 августдан 6 ой давомида, 2001 йил 3 февралига қадар тугатиш) келишганлигини инобатга олиб, икки томанлама тузилган Келишув битимини тасдиқлайди. Келишув битимининг муддати ўтиб бораётганлигига қарамасдан, ҳанузгача қурилиш ишлари бошланмаган, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар пайсалга солинмоқда. Наҳотки, шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги мутасадди ташкилот раҳбарлари Президентимизнинг 1997 йил 5 февралдаги ***"Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"***ги 1704-сонли ва 1998 йил 9 апрелдаги ***"Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"***ги 1987-сонли Фармонларининг бажарилишига совуққонлик билан қарашсалар?! Бу тўғрида вилоят «Адолат кўзгуси», республика «Адолат» газеталарида бонг урилди. Натижа эса ҳанузгача йўқ.

- Шаҳарда бундай ҳолатларнинг юзага келаётганлигига яна мисоллар бор. Ёзаверсанг гап ҳам, сабаб ҳам топилади. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор.

Бир сўз билан айтганда, мустақил мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг бош тамойилларидан бири – бу қонун устуворлигидир. Бунга эришиш, табиийки, мураккаб жараён. Унинг пойдеворини ҳар биримиз авваламбор бурч, масъулият, имон, эътиқод, Ватанни севиш каби муқаддас туйғуларимиз билан мустаҳкамлаҳмоғимиз лозим.

Ўйлаймизки, Гулистон шаҳар ҳокимлигидаги баъзи мутасадди раҳбарлар буни ўзларига дастур қилиб олсалар, юқоридаги каби шикоятларга, кўнгилхираликларга ўрин қолмасди.

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун"нинг
махсус мухбири

Суратларда: Н.Мадаминова ва Т.Султонова. Муаллиф олган суратлар.

Байрам кўтаринкилиги

Мана, кўнгилларни яйратиб, дилни қитиқловчи ифорларни таратиб ўлкамизга кўклам ташриф буюрди. У ўзи билан халқимизнинг миллий қадриятларидан бўлмиш Наврўзи оламни ҳам етаклаб келди. Ишдаги ютуқлар эса байрам кўтаринкилигининг гарови.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси хотин-қизлар ташкилоти раисаси, судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бўлими бош маслаҳатчиси Назира Мадаминованинг фаоллиги, инсоний ғамхўрлиги шарофатидан муҳтарама аёлларимиз меҳнати, оила-турмушдаги фидойилиги мунтазам ардоқланаётган ва рағбатлантирилаётган бўлса, Урганч шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Тўхтажон Султонова эса жонкуярлиги ва жонбозлиги билан шаҳарда мустаҳкам ва умрбоқий оилаларнинг кўпайишига муносиб ҳисса қўшаётганлардан.

Қ.ОТАЕВ

Талаба минбари

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

Суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг яна бир бор яқиндан кўриб чиқилишини тақазо этади. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (янги таҳрирда) лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. Бу прокуратуранинг ислоҳ қилинаётганлигидан далолат беради.

У амалдаги қонундан фарқли ўлароқ, прокуратура фаолиятини ташкил қилиш, унинг вазифалари, ҳуқуқий йўналишларини ўзида мужассамлаштиргани ва чуқур таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мукаммал, тушунарли, оддий халқ тўлиқ англаб етадиган, унда қўлланиладиган атама ва тушунчалар ўз мазмунига мувофиқ, аниқ баён қилиниши талаб этилади.

Лойиҳанинг 41-моддаси 3-қисмида Прокуратура органлари ходимларига ҳар йили муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилиши кўрсатилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида "Ҳақ тўланадиган меҳнат таътили" деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмаслигини қайд этгим келади.

Меҳнат Кодексининг 133-моддасига кўра, барча ходимларга иш жойи ҳамда ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили меҳнат таътили берилиши кўрсатилган.

Шу сабабдан лойиҳанинг 41-моддаси, 3-қисмида белгиланган "Ҳақ тўланадиган" деган сўзлар ортиқча сифатида чиқариб ташланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Прокурорлик лавозими ўта масъулиятли, мураккаб ва давлат манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳамда конституциявий принципларни ҳаётга тўғри тадбиқ қилинишини таъминловчи ҳуқуқий демократик тамойилларни муҳофаза қилишда бевосита қонунийликни муҳофаза этувчи лавозим ҳисобланади.

Ҳар қайси босқичда прокурорлик лавозимида ишловчи шахснинг қўл остида малакали, ўз касбининг билимдони ва тажрибали ходимлар ишлайди. Шу сабаб прокурор бошлиқ сифатида ўзининг намунали хислатлари билан қўл остидаги ходимларидан сезиларли даражада юқори туриши керак.

Менимча, прокурорлик лавозимига тайинлашга 25 ёш камлик қилади.

Таклиф: лойиҳанинг 38-моддаси 3-қисми "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади" деб ўзгартирилса маъқул бўларди.

Лойиҳанинг 23-моддаси, 3-қисми: "Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текшириши" деб ўзгартирилса маъқул бўларди.

Олим НАРЗУЛЛАЕВ,
ТДЮИ II-ҳуқуқ бўлими 4-курс талабаси

Элга хизмат — юртга таянч

СОЛИҚЛАР — УМУМХАЗИНАМИЗ

Маълумки, давлатимизнинг солиқ сиёсатини тўғри англаш ва тадбиқ этиш бу барча фуқароларимизнинг масъулиятли иши, бурчи ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бизнинг соҳа — солиқ тизими янгидан шакланди. Бу борадаги жамики ишлар, вазифалар, тадбирларда Юртбошимиз бош-қош бўлдилар.

Солиқнинг катта-кичик — миқдори эмас, уни вақтида тўлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мисол тариқасида айтсам, ўтган йилда белгиланган 1077297 минг сўм ўрнига бюджетга 1142184.0 минг сўм тушириб, бу борадаги режани 106,6 фоизга бажардик. Ушбу рақам ортида ходимларимизнинг жуда катта меҳнати, тажрибаси, малакаси ётибди. Солиқ ва солиқчи, солиқ тўловчи каби учлик ўзаро бирбирини қонуний англаб, ҳамкорлик қилишса ишлаш осон кечади.

Туманимиз солиқ инспекцияси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан биргаликда солиқ тўловчилар ўртасида солиқ қонунчилигига оид ўзгартиришлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида доимий тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Вақти-вақти билан ҳокимлик биносида вилоят солиқ бошқармаси ходимлари иштирокида семинарлар ўтказаяпмиз.

Касбимиз интизомли меҳнат қилишни, ўқиб-ўрганишни, қонунларни пухта билишни талаб этади. Буларсиз кўзланган натижаларга эришиш қийин. Мувофиқлаштириш иш режасига кўра, 264 та ташкилотда текшириш режалаштирилган эди. Йил давомида жами 264 та текшириш ўтказилди. Иш натижасига кўра 176 та ташкилотда солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари аниқланиб, бюджетга жами 28368,56 минг сўм қўшимча маблағ ҳисобланди. Ҳисобланган молиявий жарималар 15122,6 минг сўмни ташкил этади. Камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан 3324,9 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 285, 221-сонли қарорлари ва Президентимизнинг 1997 йил 1789-сонли Фармонининг бажарилиши доимий назоратимизда. Айниқса, алкогол ва тамаки маҳсулотлари устидан доимий назорат ўрнатганмиз. Текширишлар давомида 386200 сўмлик тамаки маҳсулотлари акциз маркаси бўлмаганлиги сабабли савдодан олинди ва мусодара қилинди. Юқоридаги қарор ва фармонлар ижроси бўйича 28 нафар фуқарога далолатномалар, қайдномалар тузилиб, улар 112700 сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

Туманимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1998 йил 9 апрел) Фармони талабларини бажариш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақўл туманида 490та фермер ва деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтган бўлиб, айни кунда шулардан 487 таси фаолият кўрсатмоқда. Савдо, умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 225 та хусусий корхоналардан 186 таси туманимиз халқига хизмат қилаётир.

Туманда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ва жисмоний шахслардан солиқ ундириш борасида ҳам бирмунча тажриба тўпланган. Улар билан доим ҳамкормиз. Ушбу тартибда 824 та фуқаро рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан туманимиз бюджетига 56198,0 минг сўм маблағ ундиришга эришилди. Бу кўрсаткич ойида ҳар бир тадбиркорга 5600 сўмдан тўғри келади.

Ер солиғи, мол-мулк солиғи бўйича ҳам режаларимиз тўлиқ бажарилди. Хуллас, солиқ тўловчилар билан ҳамкорлигимиз яхши натижалар бермоқда. Солиқлар давлатники деб бежиз айтишмайди. Биз солиқчилар ушбу мантиққа қатъий амал қилиб, касбимизга, элимиз хизматига ҳамиша шаймиз.

Олим РЎЗИЕВ,
Қорақўл туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи,
Бухоро вилояти

Таҳририятга хат келди

ҲОЛВАНИ ЕГАН КИМУ

ёки ўзини хон, қўланкасини майдон чоғлаган бир амалдорнинг «амаллари»дан ёзғириб ёзишади

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

«Шифокор-милосердие» кичик корхонамиз 1993 йилда ташкил топган бўлиб, Навоий шаҳридаги кекса, кўзи ожиз ва ногирон бўлиб қолган уруш, меҳнат фахрийлари, қаровчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатиб келаяпти. Бу хизматлар учун Тоғ металлургия комбинати ва Навоий қурилиш бошқармалари корхоналари маълум миқдорда маблағ ажратиб туради. Шу ҳисобдан корхонамиз ходимлари маош олади, оила тебратади. Аммо... Илҳом Турсунов деган шахс корхонамизда 1994 йилдан 2000 йил 1 мартигача бошлиқ бўлиб ишлади. Аввалига у гўё ўз вазифасига тўғри ёндашиб келаётгандек эди. Қарангки, 1997 йилдан бошлаб ҳар хил қинғир ишларни амалга оширгани кейинчалик билиниб қолди. Жумладан, ҳар хил фирмалар, корхоналардан бизнинг корхона ҳисобига пул кўчиртириб, ишчиларимизга қалбаки тўлов варақалари (ведомость) ёзилиб, гўёки шу пуллар тарқатилган қилиб, ноқонуний йўллар билан пул ва бойлик орттириш йўлига кирилган экан. Қарангки, бу нопок иш билан қарийб 4 йил шуғулланишибди.

Биз эса эрталабдан кечгача қарияларга хизмат кўрсатиш билан оввора, уларнинг кирини ювиб, овқатини пишириб, уйини тартибга солиш ва дори-дармонлар олиб келиб, кўнглини кўтариш ҳаракатида бўлганимизда собиқ раҳбаримиз бизга тегишли бўлган катта миқдордаги пулимизни кўкка совуриб юборибди. Устига устак 1998 ва 1999 йилларда бир қанча ташкилот ҳамда фирмалардан тушган пул маблағлари ҳам сирли тарзда йўқотилибди. Корхонамизда 2000 йил октябр ойида Навоий шаҳар давлат солиқ идораси текширув ўтказди. Ана шунда биз кўрмаган ва олмаган тўлов ведомостларини кўрдик, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик. Гўё ҳар биримиз 130-140 минг сўм пул олган ҳисобланганмиз, лекин биз бу пулларни кўрганимиз ҳам, тушимизга киргани ҳам йўқ эди.

Солиқчилар корхонага 4 млн. 381,3 минг сўмлик қарз ва жарима солди. Сабаби, корхона ҳисоб рақамига тушган пуллар ҳисоботларда акс эттирилмаган ва яширилган. Бугунги кунда корхонамиз ҳисоб рақамига юқорида кўрсатилган суммага инкасса қўйилган, бизнинг корхона бу пулларни 5 йил мобайнида ҳам тўлаб беришга кафолат бера олмайди. Мана 4-5 ойдирки, биз маош ололмай овворамиз, бизнинг қаровимизга муҳтож бўлган қарияларга бепул ва маошсиз қараб турибмиз. Ҳар биримизда 3-4 тадан фарзанд бор. Улар ҳам мактаб ва боғчаларга қатнайди, иқтисодий танглик юзага келаяпти. Айбдорни аниқлаб, чора кўрилса-ю, жамоанинг фаолиятига йўл очилса бўлмайдими? Илҳом Турсунов каби раҳбарлар ўзим хон, қўланкам майдон деб, корхонанинг ҳисоб рақамига тушган пулларни туя қилиб кетаверса, оқибатда оддий ходимлар қандай кун кўришини ўйлаб юрса, шу адолатданми?

Илтимос, таҳририят ходимлари ўз сўзингизни айтинг, бизга ёрдам беринг!

«Шифокор-милосердие» кичик корхонаси касаба уюшмаси раиси ва хизматчилари: Р.Надиршина, Н.Иванова, Ш.Суванова, Н.Сиддиқова ва бошқалар.

ТАҲRIRIЯТДАН: Ушбу аризага мазкур корхонанинг ишчи ва хизматчилари турли даврларда қатор идораларга, жумладан, прокуратурага юборган хатлари, ариза ва ёзишмалари илова қилинган. Уларда нотўғри ишлар, ноқонуний деб ҳисобланган фактлар битилган. Зеро, бир-икки олғирнинг қилмиши учун оддий ишчи-хизматчи, бегуноҳ ногиронлар заррача ҳам жабрланмаслиги керак. Табиийки, таҳририят Навоий вилоятининг тегишли мутасаддиларидан холисона ва ҳаққоний жавоб кутиб қолади.

Мустақиллик сабоқлари

БИЗ ДУНЁНИ, ДУНЁ БИЗНИ ТАНИДИ

Матбуотда Ўзбекистон мустақиллиги байрамини тантанали ўтказиш ҳақида ҳукумат қарори эълон қилингач, ўйланиб қолдим: ота-боболаримиз дину диёнат, ор-номус, ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиб, фарзандлар, юрт камолини озод, ҳур кўришдек ниятлари ушалган кунга 10 йил тўлаяпти. Хўш, бу муддат камми ёки кўпми? Баъзан кундалик юмушлар — хизмат, уй-рўзғор, хуллас, турли икир-чикирлар билан бўлиб мустақилликдек азиз, буюк-шарафли кунларда яшаётганимиз масъулияти, бурчларини сезмай қоламиз, шекилли. Гўё биз узоқ йиллардан бери мустақилмизу бизга насиб этган тинч-тотув ҳаёт, эркинликлар осонликча қўлга киритилгандек.

Ўйланг, ахир юқоридаги мулоҳаза ортида қанчадан-қанча мард, миллатпарвар, юртпарвар фидойиларимизнинг меҳнати, ғайратлари сингган, лозим пайтда улар эл-юрти учун ҳар қандай қийинчиликлардан қайтишмаган. Мустақиллик осон қўлга киритилмаган, уни асраш, мустаҳкамлаш ҳам осон кечмайди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўтаётган ҳар кунимиз Мустақиллик дарси бўлсин» деган даъватлари, назаримда биз учун, фарзанду невараларимиз — ҳаммаҳаммамиз учун билишимиз, ёдда тутишимиз, чин юракдан қатъий амал қилишимиз шарт бўлган сабоқдир.

Мустақиллик бизга энг кераги, энг зарури — Ўзликни қайтарди.

- Ўзлик нима? - дея тез-тез мендан сўраб туришади. Уларга оддийгина:

- Ўзлик, бу остонаси, дарвозаси тугал, деворлари бут, тинч, соғлом ҳаёт барпо этилган уй, - дейман. - Бу уйда сизу биз, анъаналар, тарих ва келажак яшайди. Барчасида бизлар иштирокчимиз. Ўзини билган, таниган одамгина буларни фарқлайди, қадрига етади.

Туғилган юрт, аждодларимиз, барча анъаналар, тарих, тил, эрку озодлик — буларнинг бари тугал бир маъно, сўзга жамланса, бу Ўзлик бўлади. Ана шу биргина сўзга жамланган имкон — ҳақ-ҳуқуқларимизга эга бўлгунимизча қанча йиллар ўтмади, кимларни, нималарни йўқотмадик. Миллатнинг номи, жони, қони билан боғлиқ йўқотишлар жуда қимматга тушди, элимизни синов, қийноқлардан ўтказди. Минг шукрлар бўлсинким, ниҳояси озодлик билан якунланган ёруғ кунлар насиб этди.

Инсонга умр ато этилган экан (қисқами, узунми), у берилган умрини, барибир, ўтказади, яшайди. Лекин яшашдан яшашнинг фарқи бор. Ўтган қарамлик йилларининг турфа камситишлари (ҳар соҳада) оз эдими? Энг даҳшатлиси, биз ўзгалар етагида, ўзгалар иродасига бўйсинишга мажбур эдик. Орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиш-чиқмаслиги уларнинг қўлида эди. Қисқаси, эркимизга ўзгалар эгалик қилар, юртимиз бойликлари, бутун нон-насибамизни уларга топшириб қўйган эдик. Энг даҳшатлиси, барча маҳрумликлар зўравон тузум қонунларида муҳрланган эди. Кечган умримиз — турмуш тарзимизнинг ҳар бир онидан юқоридаги фикр-даъволаримизга истаганча далил, исбот топиш мумкин, барчасига тарих гувоҳ, йўқотган эркимиз, топталган қадриятларимиз шоҳид.

...Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги яқинлашган сайин хаёлдан турли ўй-фикрлар кечаверади. Муҳими, бугун биз озодмиз, юракка тоғдек таянч, далда берувчи озод яшашдек бахтга эгамиз, шунга муносибмиз. Ўтаётган ўн йил юртимизнинг ҳар бир фуқаросига жуда улкан имконлар эшигини очди, биз дунёни, дунё эса бизни таниди. Овозимиз, номимиз тикланди. Қудратли Темур бобомизнинг давлатига (ҳақли равишда) янги Ўзбекистон давлати меросхўр сифатида тарих шоҳсупасига кўтарилди.

Бугунги авлод қудратли, соғлом, Ватан ҳимоясига шай, ўз юртини танийдиган, қадрига етадиган бўлиб ўсаётгани, тарбияланаётганига сира шубҳам йўқ. Бой анъаналар, қадриятларимиз ва Президентимиз Ислом Каримовнинг юртпарвар, тинчликпарвар сиёсати, албатта, бизни суяйди, ҳимоя қилади, ёруғ манзилларга бошлайди. Юртимизда Наврўз кезаётган қутлуғ айём кунларида барчани қутлагим келади. Тўрт нафар фарзанднинг онаси сифатида барча оналар, опа-сингилларга омонлик тилайман, тинчлигимиз, мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин.

Дилбар ҚУРБОНОВА,
Олот туман суди раиси

Булунғур туман ички ишлар бўлими ходими Ғулом Қулмирзаев ўзининг ҳозиржавоблиги билан ҳамкасблари орасида алоҳида ажралиб туради. Унинг кейинги йилларда қўлга киритган муваффақиятлари салмоқлидир. Ҳар доим дўстлари унинг ҳузурига ошиқишади. Ўз навбатида Ғулом Қулмирзаев ҳам бой тажрибаларини улар билан баҳам кўради.

Суратда: (чапдан) Ғ.Қулмирзаев ҳамкасблари Фахриддин Қодиров, Жасурбек Равшановлар билан ўзаро мулоқотда.

Нур МУҲАММАД олган суратлар.

Илҳом Ғафуров кўп йиллардан бери ошпазлик касбини эъзозлаб, эл-юртга хизмат қилиб келмоқда. У 1999 йил Самарқанддан келиб, Гулистон шаҳар Деҳқон бозорида қаровсиз ётган жойдан 3 сотих ер сотиб олиб, "Зарина" чойхонасини очди.

Чойхонада асосан эрталаб соат 10 гача парҳез овқатлари, кейин европа ва миллий таомлар тайёрланади. Моҳир ошпаз кунига 100-150 хўрандага аъло даражада хизмат кўрсатмоқда.

Хусусий тадбиркор Илҳом Ғафуров 8 нафар кишини иш билан таъминлашга муваффақ бўлди.

Суратда: (ўнгдан) Илҳом Ғафуров шогирди Фарҳод Абдуғаффоров билан Наврўз байрами дастурхонини безаш борасида суҳбатлашмоқда.

Сабоқ бўлсин деймиз

ОЧКЎЗЛИК БАЛОСИ

ёки порахўрнинг аччиқ қисмати

Улар ўзлари қилаётган жиноят ғоят оғирлигини, бу қилмишлари учун қаттиқ жазоланишларини билар эдилар. Лекин очкўзлик, пул учун ҳар қандай қабоҳатга ҳам қўл уришга ундовчи кемтик имонлари нафс балоси томон тинмай етакларди. Балки улар кўп пул топиб, мабодо қўлга тушиб қолишса, шу пулнинг бир қисми билан қутулиб қолаверамиз, деб ўйлашгандирлар.

32 кишилик жиноий гуруҳ аъзолари йўқ пахталарни қўшиб ёзишаётганида, бу пахталар ҳисобидан давлатнинг миллион сўмлаб пулини олиб, ўз чўнтакларига солаётганларида, пахта иши бўйича «холис» хизмат қилган «саховатли» шахсларга пора тутқазаётганларида оддий, камтар кишилар ёзни ёз, қишни қиш демай, далаларда меҳнат қилишиб, эвазига бериладиган ҳалол пулларини олишолмай сарсон юрардилар.

...1997 йили Ховос туманидаги Амир Темур номли пахта қабул қилиш пунктида хўжаликларга йўқ пахталарни қўшиб ёзиб, бунинг эвазига пора олиш бўйича кимошди пойгаси бошланди. Бу пойга тепасида пунктнинг 2-зона товаршуноси Тошмурод Жўраев турди. У дастлаб Амир Темур ширкатлар уюшмаси раиси Абдуқаюм Қодирқулов, бош ҳисобчиси Холиқул Соатов, хазиначиси Бегимқул Қодиров, пахта топширувчиси Абдурашид Жониқуловлар билан тил топишди. Шу аснода Амир Темур номли ширкатлар уюшмаси топширган пахтага терилмаган ва топширилмаган 765 тонна пахта қўшиб ёзилди. Йўқ пахта учун миллион сўмлаб пуллар давлат хазинасидан олиниб, талон-тарож қилинди. Тошмурод Жўраев ҳам қуруқ қолмади. Хўжалик раҳбарлари унга 2 миллион 563 минг сўм пулни пора сифатида беришиб, «камтарона» меҳнатини тақдирладилар.

Тез кунда Т.Жўраев фақат пунктнинг эмас, бу ерга пахта топшираётган олти хўжаликнинг энг ишончли ҳамкор кишисига айланди. Неча-неча одамлар ширага ёпишган пашшадай унинг атрофида уймалашиб қолдилар. Т.Жўраев бундан ғоят шод эди. У «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкатлар уюшмаси раҳбарларининг илтимосини ҳам ерда қолдирмади. Бу раҳбарлар берган 525 минг сўм пора эвазига хўжаликка 500 тонна пахтани қўшиб ёзди.

Терилмаган ва топширилмаган ҳосилни қўшиб ёздирган хўжаликлар сони ортиб борди. Мавсум охиригача «Истиқлол» топширган пахтага 272 тонна, «Туркистон» ҳосилига 591 тонна, «Ховособод»га 314 тонна, «Ўзбекистон тўқинчилиги» кичик корхонасига 186 тонна йўқ ҳосил қўшиб ёзилди. Бу пахталар учун «Истиқлол» раҳбарлари 105 минг сўм, «Ховособод» раҳбарлари 480 минг сўм, «Ўзбекистон тўқинчилиги» раҳбарлари 147 минг сўм пулни Т.Жўраевга пора сифатида бердилар.

Қиморбозларда «катта боссанг, катта оласан» деган гап бор экан. «Туркистон» ширкатлар уюшмаси раҳбарлари қиморбозларга хос дангалчи сифатида ўзларини кўрсатдилар. Улар Т.Жўраевга бир миллион 100 минг сўм пора бердилар. Товаршунос ҳам «мард»лик қилиб, уларга 591 тонна пахта ёзиб берди.

1998 йилда ҳам Амир Темур номли пахта қабул қилиш пунктида пахтани қўшиб ёзиш давом этди. Бу жиноятнинг бир қисми очилиб, бир неча киши жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин аҳволдан хулоса чиқаришмади. Қўшиб ёзишлар йўқ бўлиш, камайиш ўрнига 1999 йилда ҳам авжига чиқди.

Ўша йили Амир Темур номли пахта қабул қилиш пунктида Беккул Норқулов билан Нурулла Абдуллаевлар 2-зона товаршуноси бўлиб ишладилар. Улар қилган жиноятлар олдида Тошмурод Жўраевники ип эшолмай қолди.

Мана бу рақамга эътибор беринг. 1999 йилда фақат Амир Темур номли ширкатлар уюшмаси ҳисобига 1725 тонна пахта қўшиб ёзилди. Бунинг эвазига товаршуносларга 14 миллион 145 минг сўм пул пора сифатида берилди. Ўша йили пункт бўйича қўшиб ёзилган жами пахта 3387 тоннага, етказилган зарар 72 миллион 185 минг сўмга, берилган пора эса 28 миллион 88 минг сўмга етди. Булар бир мавсум натижалари.

Яқинда уюшган жиноий гуруҳ аъзолари устидан бошланган суд тергови тугаб, ҳукм ўқилди. Айбдорларнинг кўпи узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Айниқса, судгача тилхат орқали очиқда қолдирилган бир неча раҳбар суд залидан қамоққа олинганда қариндош-уруғлари оҳ-воҳ қилдилар. Начора, жиноятга жазо муқаррар эди. Ўша лаҳзаларда додфарёд қилган оналар, келинлар, опа-сингиллар ўз соҳиби давронлари уйларига чўнтакларда эмас, сумкаларда ҳаром пулларни олиб келишганида, хурсанд, оғизлари қулоқларида эди. Энди бўлса оҳ-воҳ, йиғи-сиғи. Бу шўрликлар қамоққа олиб кетилаётган кишиларини «нега қалтис йўлдан илгарироқ қайтармадик», деб аттанг қилишдимикан?

Порахўрлар қандай жазо олишди? Тошмурод Жўраев 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди. Албатта, у қилган ишидан пушаймон. Нима қилиб қўйдим деб ўзини ўзи лаънатлайди, ич-этини еб, изтироб чекади. Аммо бефойда, нажот йўқ.

Беккул Норқулов 17 йил, Нурулла Абдуллаев 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Қолганлар ҳам қилмишларига яраша «тақдирландилар».

Пайғамбаримиз ҳадисларида «пора олганга, пора берганга, ўртада турганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин» деган хитоб бор. Халқимиз «ўғрининг бир юзи қора, порахўрнинг икки юзи» деб ҳам тез-тез такрорлаб туради. Тўғри экан, нафси бузуқлик, очкўзлик порахўрлар ва уларнинг жиноий шерикларига оғир қисмат келтирди. Энди улар ўзлари келтирган бир неча миллион сўм зарарни ҳам тўлашга мажбурдирлар.

Лазиз АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг катта терговчиси,
Саминжон СУЛТОНОВ,
журналист

Қилмиш-қидирмиш

НАФС КЎЙИДА ХОР БЎЛГАНЛАР

Абдурашид Маликов ҳар гал Қўшработ тумани марказидаги «Жума» бозорига картошка сотишга борганда, Оқтепа ижара хўжалигининг Истиқбол қишлоғида Гулнора Эргашева исмли аёл уйида фоҳишахона очганлиги, у ерда «зўр-зўр» қизу аёллар хизматда экани ҳақида эшитарди. Ўша жойда бир бўлишни хаёлан орзу ҳам қилиб қўярди.

Бир гал савдо-сотиқни тугатгач, чўнтакдаги пулни пайпаслаб кўриб, бемалол етади дегандек, ўзича илжайиб қўйди-да, бузуқ ниятини амалга ошириш ниятида йўлга тушди. (Шу куни у сигир олиш учун уйдан ҳам анчагина пул олиб чиққан эди). Киракаш «Тико»ларнинг бири уни бир зумда керакли манзилга элтиб қўйди.

- Келинг, йигитларнинг султони, - уни табассум билан қарши олди хонадон бекаси. - Ичкарига марҳамат. Жуда антиқаларидан топиб келганман. Тўрт кунлик дунёда бир маишат қилинг.

Хонада сархушликдан юзлари анордек қизарган каттақўрғонлик икки аёл ва бир эркак ўтиришарди. Дастурхонда турли хил газаклар, очилган ароқ шишалари.

«Меҳмон» аёллар билан салом-алик қилгач, дадиллик билан деди:

- Бу столнинг мазаси йўқ-ку!

- Мана сиз келдингиз. Энди стол ҳам, «ресторанский» бўлади-да, акаси, - деди нозикдан келган, қошкўзлари бўялган Юлдуз исмли аёл истеҳзо билан.

Абдурашид чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Тез орада дастурхон янгиланди. Турли мева-чева, қовурдоқ, ичимликлар қўйилди. Кетма-кет ичилган ароқлардан даврадагиларнинг барчаси ғирт маст бўлишди. Ҳаш-паш дегунча етти шиша ароқ бўшатилди.

- Дунёда энг ёмон кўрган нарсам бўш шишанинг дастурхон четида тургани, - деди нозу карашма билан Гулнора деган аёл. У хонадон эгаси билан исмдош эди.

- Бўпти, ҳозир тўласидан бўлади, - мардлиги тутиб кетди Абдурашиднинг. Бу пайтда кун анча қорайиб, қуёш ўз ётоғига бош қўйишга улгурганди.

- Ароққа икковимиз бориб келамиз. Мен бир ўзим қўрқаман, - дея Абдурашиднинг қўлтиғидан олди уй эгаси Гулнора.

Шу онда Гулнораннинг хаёли Абдурашиднинг чўнтакларида дўмпайиб турган пулларини қандай ўмаришда эди. У разил мақсадини амалга ошириш учун камзулининг ички чўнтагига сариқ дастали уй-рўзғор пичоғини ҳам солиб чиқишни унутмади. Икковлон гандираклашиб, Қўшработ-Митан маршрути бўйлаб асфальт йўл четидан юра бошлашди. Шунда Гулнора ғаразли ниятини тезроқ амалга ошириш ниятида ён чўнтагидаги пичоқни чиқариб, Абдурашидга санчди. Йигит вой, деганча ерга йиқилди. Гулнора уни ағдариб, чўнтакларини кавлай бошлади. Шу онда унинг кўзига жон талвасасида ётган инсон эмас, фақатгина пул кўринарди. У қурбони танасини йўл четида қолдириб, уйига қайтди. Ўғирланган пулларни ишончли жойга яширгач, ҳеч нарса кўрмагандек маишатхонага бурилди. Хонада ароқни кутакута чарчаган маишатбозлар донг қотиб ухлашарди. Бу пайтда соат 4 ларга яқинлашиб, саҳархез хўрозлар дастлабки қичқириқларини бошлашганди.

Шунда Гулнора Эргашева воқеадан одамлар хабардор бўлиб, сир фош бўлишидан қўрқиб, тезда ўғиллари Ўткир, Даврон ҳамда Улуғбек Ялғошевларни уйғотиб, уларга Абдурашиднинг жасадини оғилга олиб келиб, устига хашак бостириб ташлашни буюрди. Қизи Нигорага эса йигитнинг устибошларини ечиб ёқиб юборишни тайинлади.

Она юраги барибир нохуш воқеани олдиндан сезаркан. Кечаси уйга келмаган ўғлини излаб Балқон опа Маликова сўраб-суриштириб, Гулнора Эргашеванинг уйини топиб келди. Она уй бекасидан ўғлининг бу ерга келган-келмаганлигини сўради.

- Йўқ, унақа одам келгани йўқ, - деди қотил аёл юзини ердан олмай. Излай-излай ўғлини топа олмаган онаизор яна ортга қайтди. Кечқурун Гулнора эри Эшқул ва ўғилларига мурдани уйларидан 5 км. олисдаги буғдойзорга кўмиб келишни буюрди. Буйруқни ота-болалар айтилганидек бажаришди.

Бигиз барибир халтада ётмас экан. «Сир» очилди. Дастлабки терговда фоҳиша аёллар уй эгаси билан тил бириктириб, Абдурашидни Улуғбек ўлдирди, дея туҳмат қилиб туриб олишди. Аммо қилни қирқ ёрган терговчилар, суд-тиббиёт экспертизаси қотилликни Гулнора содир этганлигини ашёвий далиллар асосида исботлаб беришди. Гулнора жиноятини тан олишга мажбур бўлди.

Яқинда вилоят судининг судьяси Алишер Жабриев раислигидаги бўлиб ўтган суд мажлисида ушбу қотиллик тафсилоти кўриб чиқилди. Таъмагирлик мақсадида қасддан оғир жиноятга қўл урган Гулнора Эргашева Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, 18 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мол-мулки мусодара этилиб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташга ҳукм қилинди. Шунингдек, қинғир қилмишлари учун Гулнора Ражабова, Ўткир Эргашев, Улуғбек Ялғошев, Даврон Эргашевлар ҳам жиноий жазога ҳукм қилиндилар.

Гулноранинг эри Эшқул Эргашев, қизи Нигора Эргашева ва Юлдуз Мўминовалар айбдор деб топилдилар, Президентнинг 2000 йил 28 октябрдаги Амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан жазони ўташдан озод қилиндилар.

Донишмандлардан бири: «Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими, оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади» деб айтган экан. Хулқсиз ва беҳаё аёллар ножоиз қилмишлари оқибатида турли хил балоларга гирифтор бўладилар. Мана бу фожиа эса бунга жонли мисол. Аёл енгил-елпи йўл билан пул топишга ўтиб кетиб, эрини ҳам назар-писанд қилмай қўйди. Хотини нима буюрса, югуриб бориб бажариб келувчи эрни ҳам ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Эшқул уйидаги бу бемаза ишларни кўп йиллардан бери томошабин бўлиб кузатиб борган, аммо бу ҳақда хотинига бирор марта дашном бермаган. Уни ёмон йўлдан қайтариш ўрнига унга шерик бўлган. Қисқаси, оилада оталик вазифасини уддалай олмаган. Оқибатда хотини билан бирга фарзандларининг ҳам панжара ортига кетишига имкон яратган.

Ҳар ким нафс кўйига гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлади. Нафс туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган Абдурашид ҳам бир оиланинг бошлиғи эди. Фарзандлари бор эди. Ножўя босилган биргина қадам туфайли умри бевақт хазон бўлди, болалар етим, аёли бева қолди.

Оллоҳ инсонни энг мукаммал, энг мукаррам зот қилиб яратган. Бас шундай экан, ҳайвоний ҳисларга берилмай, ақл билан иш кўрайлик. Оқибатда оналар дили вайрон, фарзандлар қалби мунгли бўлмасин. Мукаррам деган номга доғ туширмайлик.

Шакарбой ТИНИБЕКОВ,
Қўшработ тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси,
Самарқанд вилояти

Аттанг!

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ ҚЎЛЛАСА...

Халқда бир мақол бор: букрини гўр тузатади, деган. Бир марта гиёҳванд моддасининг таъмини татиб кўрган одамнинг хумори яна тутгани каби ўғрилик жинояти содир этиб қамалиб чиққан одам, тавбасига таянмай, тағин ўғирлик қилгани табиий ҳол. Қамашилик Жуманазар Каримов уч марта судланиб, жазони ўташдан озод қилинганига қарамай, фойдали меҳнат билан шуғулланишга бўйин эгмай, текинхўрликни одат қилди. Кўркўрни қоронғуда топибди деганларидек, ўзига ўхшаш нотайин кимсалар Бахтиёр Хидиров ва Алижон Ороловлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Қамаши шаҳар 11-уйда яшовчи Даниэл Ярашевнинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳовлига девордан ошиб киришиб, нархи 60 минг сўмлик 4 плитали хўжалик газ плиткасини яширин ўғирлаб, уни фуқаро Бўрихол Поёновага 10 минг сўмга сотиб, пулини ўзаро бўлишиб, ўз эҳтиёжларига ишлатадилар. Жуманазар шу билан тиниб-тинчимади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек бу сафар таниши Бахтиёр Туропов билан фуқаро Жўра Намозовга тегишли бўлган устахона эшиги қулфини бузиб, у ердан нархи 40 минг сўмлик бир дона эшик ва нархи 30 минг сўмлик электр дрелни ўғирлаб, ҳар иккала буюмни ҳам арзимаган пулга сотиб, ҳеч нарса кўрмагандек юраверди. Кўп ўтмай у ўзининг жиноий фаолиятини яна давом эттириб, фуқаро Фарҳод Чориевнинг 100 кг буғдойини фирибгарлик билан қўлга киритиб, фуқаро Абдираҳмон Нуримовга 6100 сўмга сотади ва унинг 4000 сўмига Қамаши шаҳар, Абай кўчаси, 3-уйда яшовчи Шавкат Бўриевдан бир пакетда 0,05 грамм миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, истеъмол қилади. Аслида Жуманазар гиёҳвандлик хасталигига чалинганига анча бўлган. Жуманазар қўлга олинганидан сўнггина берган кўргазмасига кўра Шавкат Бўриевнинг уйида тинтув ўтказилганда уйидаги сервант ичидан 53 дона фалка қоғоз бўлакларига қадоқланган сотишга мўлжалланган жами 3,1 грамм героин гиёҳвандлик воситаси топилди. Тезкор қидирув ва адолатли тергов жараёнида уларнинг барча кирдикорлари фош этилди. Айбдорлар ўз қилмишларига иқрор бўлдилар. Суднинг қора курсисига 5 нафар жиноятчи ўтирди. Эътибор беринг: уларнинг биринчиси Жуманазар Каримов 3 марта судланган, Бахтиёр Хидиров 4 марта ва Алижон Аролов эса бир марта судланиб улгурган. Бахтиёр Туропов ва Шавкат Бўриевлар эса судланмаган. Бешала жиноятчи ҳам одил суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Икром НАСРИДДИНОВ,
Қамаши туман прокурори,
I даражали юрист

Ҳаракат хавфсизлиги

АВТОПОЕЗД ЯНГИЛИК БИЛАН ТАНИШТИРАДИ

Шу кунларда Хоразм вилоятининг қай туманида бўлманг, йўл-ҳаракат қоидаларига доир чақириқлар ва шиорлар билан безатилган автобусга кўзингиз тушади ва унга беихтиёр қизиқиш билан қарайсиз. Автопоезд саҳнида эса ДАН фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, вилоятдаги тезкор ҳолат ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича фотостендлар ва видеотасвирлар мавжуд бўлиб, ундан аҳоли ўзига асқотадиган маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқда. Давлат автоназорати куч ва имкониятларини ифодаловчи техника воситалари билан танишиш имкониятлари ҳам яратилган.

Ҳа, вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган ва янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидаси»ни аҳолига тушунтириш учун қатор амалий тадбирларни рўёбга чиқараяпти. Жумладан, тарғибот ва ташвиқот автопоезди ташкил қилинган бўлиб, бошқарманинг бир гуруҳ масъул ходимлари ва вилоят мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлишиб, аҳолига янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиб бормоқдалар. Диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши кураш «Оналар ва болалар йили» билан боғлиқ тадбирлар уюштирилаётган суҳбатларнинг асосий мавзусига айланган.

- Тадбирни «ДАН кунлари» деб номладик ва уни икки босқичда ўтказиш кўзда тутилган, - дейди вилоят ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги Ш.Отажонов, - биринчи босқичда янги таҳрирдаги йўл-ҳаракати қоидалари ДАН ходимларига ўқитилиб, улардан тест синовлари ва имтиҳонлар қабул қилинди. Иккинчи босқичда йўл-ҳаракати қоидалари маҳаллий матбуотда чоп этилиб, аҳолига етказилди, уни жойларда гуруҳ бўлиб ўрганиш имкони яратилди. Махсус агитавтопоезд ёрдамида савол-жавоб учрашувлари, йўл-ҳаракати қоидаларининг айрим бандларини шарҳлаб бериш, шу билан биргаликда аҳолининг ДАН фаолияти тўғрисидаги фикрларини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлаяптики, ҳали турли йўсиндаги жиноий ҳаракатлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда талайгина муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ечишда, аҳоли билан ДАН ходимларининг ҳамкорлиги, алоқасини мустаҳкамлашда автопоезднинг роли катта бўлмоқда.

М.НАВРЎЗАЛИЕВ,
милиция майори

Ҳамкасбимизни қутлаймиз!



БИЗНИНГ НАВРЎЗ — РАЖАББОЙ!

Шарқ халқлари орасида Наврўз исми кенг тарқалган. Аниқки, бу ном эгалари улуғ айём — Наврўзда таваллуд топган бўлади. Баъзан Янгибой каби исм соҳиблари ҳам учрайдики, таваллуд куни аксари ҳолларда янги кун — улуғ айёмимизга тўғри келади. Айтишларича, улуғ саналар, муборак кунларда туғилганларга яратганнинг назари тушган, кўплаб хислатлар ато этилган бўлармиш. Бизнинг ижодкор жамоамиз орасида Ражаббой Раупов деган ҳамкасбимизга юқоридагидек исм қўйилмаса-да, нақ Наврўзда туғилиб, бу йилги айёмни 46-марта кутиб олаяпти. Қаранг-а, ўхшашликни! Ўткир журналист, залворли бадиий асарлар муаллифи, адиб дўстимиз шундай саховатли ва саодатли кунда дўстларини чорлаганига не етсин!

Жамоамизнинг қўшалоқ самимий табригини қабул қилинг, Ражаббой, бобо ва бобокалон бўлинг, аммо ҳеч қачон қаламингиз қаримасин, вужудингиздан Наврўз тафти аримасин.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқ газетаси жамоаси

Кекса юрист илҳоми

НАВРЎЗ ГУЛДАСТАСИ

Аждодлар руҳини офтоб англадим,
Меҳрини мунаввар моҳтоб англадим.
Қатра ўтитини хитоб англадим,
Лолазор сайлида тердим ширин сўз,
Жаҳоннинг ёшлиги, ассалом Наврўз!

Аёзли дамлардан чиқдиг-а омон,
Қушлар қанот қоқиб учар биз томон.
Баҳорни севмоқ бахт, севмаслик ёмон,
Нафосат гулшанин билдим ширин сўз,
Жаҳоннинг ёшлиги, ассалом Наврўз!

Бетакрор фаслда яйрар кекса-ёш,
Меҳрла боқмоқда самода қуёш.
Дастурхон зийнати азал нону ош,
Кексалар гурунгин билдим ширин сўз,
Жаҳоннинг ёшлиги, ассалом Наврўз!

Навбаҳор айёми, гул фасли баҳор,
Янгратиб чертаман танбуру дутор.
Жонажон диёрим, қалбда ифтихор,
Дўстларга айтганим, меҳрим — ширин сўз,
Умрлар гулшани, ассалом Наврўз!

Халқимиз санъати қадимдан машҳур,
Дорбозлик, от чопиш бахш этгай ғурур.
Ҳалиму сумалак шифобахш, манзур,
Меҳримнинг уммони, мулким — ширин сўз,
Навқирон ёшлигим, ассалом Наврўз!

Рўзимат ДАМИНОВ

Муаллиф 1919 йилда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман, Нанай қишлоғида туғилган. Ҳуқуқшунос, педагог, журналист, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва таркибий тармоқларида (1947-56), кўп йиллар қатор газеталар («Бўстонлиқ овози», «Давр овози», «Илғор Сурхон»)га муҳаррирлик қилган, сўнг 1980 йилга қадар педагоглик фаолияти билан машғул бўлган. Халқ маорифи аълочиси, кўплаб китоблар, рисолалар муаллифи, ҳанузгача шеърлар машқ қилиб туради. 3 ўғлининг отаси, 20 дан ортиқ невара-чеваларнинг суюкли буваси.



... Уйғонгувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Яноғингдан ранг олган дедим,
Лолазорга бурдим юзимни.
Сен баҳорни соғинмадингми?..

Абдулла ОРИПОВ

Турмуш чорраҳаларида

«БИР СЎЗ БИЛАН ОШНО ЁРИМ...»

Оила қуриб, фарзанд орттириб, уларни билимли, ҳунарли қилиб, яхши инсонлар қаторига қўшиб, фарзанднинг яхшилигидан кўнгиллари тўлиб, эл олдида юзи ёруғ, нуроний бўлиб юрган отахону онахонларга ким ҳам ҳавас қилмайди, дейсиз. Аммо бундай пиру бадавлатликка етиш йўллари осон эмас, албатта. Турмуш чорраҳаларида турли савдолар бошга тушиши, сабру бардош, қаноат, шукроналик туйғулари, ирода юз бўлиб қайтиб келган Улбекага алам қиларди. «Нега Тўлқинга жазо йўқ?!» Тўлқин эса жонжаҳди билан ўзини оқлайди. «Ўлай агар, кўнглимда заррача шумлик йўқ эди, яқин олиб, янгам деб, меҳрим товлаб, қўл чўзган бўлишим мумкин...».

Бундай вазиятда кимнидир оқлаб, кимнидир қоралаш қийин. Аммо айтиш мумкинки, аёлнинг эри бу қадар чўрткесар бўлмаганида, ҳурматнинг кучлилиги туфайли ҳам баъзи одамлар, ҳатто ўз янгаласи билан саломлашганда қўлларини кўпроқ ушлаб туриши, елкасига қоқиб қўйиши ҳоллари ҳам учрашини тўғри тушунганида ширингина оила ороми бузилмаган, уч гўдак тирикетим бўлиб қолмаган бўларди. Бу воқеликдан албатта айрим ака-укаларимиз тўғри хулоса чиқаришса фойдадан холи бўлмасди.

Машҳур педагог А.С.Макаренконинг «Оила инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир» деган сўзлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, оилада фарзандлар камол топади. Фарзандлар эса миллатнинг, юртнинг келажагидир. Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, ақлли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган каломлари қалбларга жо бўлиб қолгани ҳам бежиз эмас. Демак, эндиликда фарзандлар тақдирига бефарқ қаровчилар фақатгина ўз ҳаётларига эмас, Ватан тақдирига ҳам лоқайддирлар. Бундайлар онгини яхши томонга ўзгартириш учун назаримда кўплаб жамоат ташкилотлари тер тўкиб ишлашига тўғри келади. Нима бўлганда ҳам юртни оқиллар ва меҳнатсеварлар обод айлаши аниқ. Шу ўринда яна бир бор Президентимизнинг барчамизга бирдек дахлдор бўлган қуйидаги сўзларини эслатамиз: «...ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир».

Ҳа, оила тинчлигини асраб қолиш, тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилаётган ФҲДЁ бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари, нуроний отахону онахонлардан ташкил топган комиссиялар фаолияти кўп қиррали ва долзарбдир. Ўйлаймизки, улар жойлардаги муаммоларни ўз ўрнида, вақтида ҳал қила олишга қодирлар.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Қутлаймиз

АЁЛ ИБРАТИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, эл орасида улар ҳақида кўп яхши гаплар юради. Булунғурликлар Каромат Умарова ҳақида гапиришганда беихтиёр «опа» сўзини қўшиб айтишади. Бунинг боиси бор, албатта. Бу аёл ўзининг ҳалол хизмати, куюнчаклиги билан юртдошларининг ҳурматини, иззатини қозонган.

1963 йили ўрта мактабни тугатган Кароматхон дастлаб бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлов курсига кириб ўқиди ва уни муваффақиятли битиргач, олти йилча ёш авлодга таълим-тарбия берди. Айни пайтда Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Миллий университет)нинг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан таҳсил олиб, 1973 йили юристлик дипломини қўлга олди. Ҳуқуқшунос сифатидаги фаолиятини у Булунғур туман матлубот жамиятида бошлади...

Мана, шунга ҳам қарийб ўттиз йилча вақт ўтибди. Бу давр ичида у ўз касбининг сирларини пухта эгаллади, ҳаётнинг паст-баландини кўрди. Ўзидаги ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб, касбдошларига ўрнак бўлди, устозлари ишончини оқлади. Ҳозир Каромат Умарова Булунғур туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси бошлиғи. Қарийб чорак асрдан бери адвокат. Ҳимоячи бўлиб ҳуқуқий маърифат тарғиботи билан шуғулланиб келаётган бу тиниб-тинчимас аёл оилада ҳам бахтини топганлардан. Ўғли Улуғбек — тиббиёт соҳасида илмий тадқиқот олиб борса, қизи Сайёра — педагог.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳар қандай касб эгаси учун энг зарур қобилиятдир. Ўтган йили К.Умарова туманидаги эски биноларидан бирини сотиб олиб, у ерда хоналарни қайта таъмирлаб, жиҳозлаб, ҳуқуқий маслаҳатхонага мослади. Ўз маблағи ҳисобидан шу жойнинг ўзида 35-40 нафар хўрандага мўлжалланган ошхона қуриб, ишга туширди. Опанинг бу ташаббуси суд идорасига, ҳуқуқий маслаҳатхонага иш билан келиб-кетиб турадиган аҳолига жуда маъқул тушди.

Каромат Умарова бу йил ўзининг эллик беш ёшини қаршилаётир. Бироқ у элга шунча хизмат қилиб, чарчаш нималигини билмайди. Туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги у раҳбарлик қилаётган «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмаси олиб бораётган ишлардан барча хурсанд. Хизматлари бир неча бор ёрлиқлар, мукофотлар билан тақдирланган, энг муҳими, ўзи хизмат қилаётган туман аҳолисининг иззат-ҳурматига сазовор бўлган бу аёлга «Ҳорманг! Ибрат бўлгулик ишларингиз оилангизга бахт-саодат келтирсин!» деймиз.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Шарқин Саъдуллаев Самарқанд вилоят божхонасида 1995 йилдан бери турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Унинг ҳозир контрабанда ва божхона қонунлари бузилишига қарши кураш бўлими бошлиғи сифатидаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир.

Ўтган йилда Шарқин Саъдуллаев раҳбарлик қилаётган бўлим томонидан божхона масканлари ходимлари иштирокида ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган 8 млн. сўмдан зиёд озиқ-овқат ва нефт маҳсулотлари, 13та енгил автомобил машинаси давлат фойдасига мусодара этилди. Бундан ташқари 173та тарихий ва маданий қимматга эга бўлган турли хил буюмлар ушлаб қолинди.

Моҳир божхоначи Ш.Саъдуллаев олти марта Республика Божхона қўмитасининг буйруғи билан мукофотланган. 2000 йил 27 августдаги Президентимиз Фармони билан "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Биз сизнинг сермашаққат меҳнатларингизни кўриб, билиб турибмиз. Сизлан жамоамиз беҳад мамнун.

Ҳурматли, Шарқин Саъдуллаев! Наврўз айёми арафасида Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз ҳамда ишларингизда муваффақиятлар, оилангизга эса бахт-саодат тилаймиз. Доимо соғ бўлинг!

Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз

МЕҲР

Қатра

Бир ҳафтача бўлди, уйда зерикиб ётибман. Гоҳ ўтираман, гоҳ уйнинг шифтига тикилиб ётаман. Нафасим сиқилиб кетди. Кайфиятим йўқ, бироз оғирлашиб ҳам қолдим. Аксига олиб, тез-тез келиб турадиган оғайниларим ҳам кўринмай кетди. Нима иш қилишни билмай, жавондаги расмлар альбомини олиб, варақладим. Ёшлигимда дадамнинг мени ёнларига олиб тушган расмлари диққатимни тортди. Ўшанда айтган гаплари эсимга тушди.

- Болам, бир улуғ сўз бор, уни доимо қадрла, асло ёдингдан чиқарма!

- У қанақа сўз экан?- дедим ажабланиб.

- Бу «меҳр» деган сўз. Инсонларда бир-бирларига нисбатан пайдо бўладиган меҳр-оқибат. Дунёда бундан кучли ва қимматбаҳо бойлик йўқ.

- Шу бир оғиз сўз қанақа бойлик бўларкан?..

- Маъносини тушунмадингми? - деди дадам юзимга синчиклаб тикилиб. - Одам умрбўйи атрофидаги кишиларнинг меҳрига муҳтож бўлиб яшайди. Биласанми, борди-ю, қорнинг оч қолса ёки кийим-кечагинг йиртилиб, яланғоч бўлиб қолсанг, бунинг иложи топилади. Аммо атрофингдаги одамларнинг меҳридан ажралсанг, уни пулга ҳам сотиб ололмайсан. Тушундингми!..

Дадамнинг гапларини эслаб, ўйланиб қолдим. Хаёлларим тобора чуқурлашиб, ўзимдан қойиндим... Уйдан меҳмон аримасди. Мен борардим, дўстларим келиб-кетиб турарди. Беш-олти ойдан бери нимагадир... Ўзимга-ўзим савол бериб, сабабини ахтардим...

Кейинги пайтларда хотиним: «Келди-кетдиларингиз жонимга тегди, меҳмон ҳам эви биланда!» деб ғинғир-ғинғир қиладиган одат чиқарганди. Унинг ғиди-бидиси ёрдўстларимнинг қулоғига чалиндимикан ё?.. Шунга улар оёғларини астасекин тортишдимикан! Уйга ҳеч ким келмай қўйди. Ўзим ҳам бирортасиникига йўқлаб бормадим-ку! Борди-келди йўқолса... Кўз-кўзга тушмаса... орадан меҳр-оқибат ҳам кўтарилармикан ё!

Хаёлларимни йиғиб, шартта жойимдан туриб кийиндим. Ҳаракатимни зимдан кузатиб турган хотиним:

- Ҳа, яна қаерга йўрғалаяпсиз? - деб қолди.

- Мени йўқламай қўйган оғайниларимни йўқлаб бормоқчиман, - дедиму шартта ташқарига интилдим. Хотиним яна нималар деди, гаплари қулоғимга кирмади.

Сен бировни йўқламасанг, сени йўқлаб келмаса... Бундан оғир жазо йўқ экан ҳаётда.

Зайниддин ДЎСТМАТОВ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А. ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.